

# ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

ОДАТДА ёши бир жойга борган инсон кўпроқ хайрли ишлар қилишга, ён-атрофидагиларга ўрнак бўлишга, айниқса, фарзандларининг бошини эгадиган, яқинларининг юзини шувут этадиган қилмишлардан йироқ бўлади.

## ОҒУФУРУШЛИК ОФИР ИСНОД ёхуд кекса одамнинг қилмиши



Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Райим Облоқулов (исм-шарифи ўзгартирилган) ёши улуглар сафига бўлишига қарамай қинғир ишга қўл уриб, фарзандларининг, қолаверса, яқинларининг олдида қадди дол, боши ҳам бўлди. У ёши улуг бўлишига қарамай гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланиб, кўпчиликнинг ҳаётини заҳарлашга уринди.

Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томони-

дан ўтказилган тезкор тадбирда Р.Облоқуловнинг бу жирканч ишига нуқта қўйилди. Тадбир давомида Р.Облоқуловнинг уйдан 16.58 грамм “марихуана” гиёҳвандлик моддаси топилди. Ўтказилган экспертиза хулосасига кўра, Р.Облоқулов ушбу гиёҳванд модданинг кўп қисмини сотишга улгурган.

Оғуфуруш ушбу қилмиши учун Жиноят кодексининг 270- ва 276-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиб қонун олдида жавоб беришга мажбур

бўлди. Тўғри, одил жамиятимизда унинг кексалиги инobatга олинар, аммо ўз виждони, фарзандлари олдидаги сўроққа қандай жавоб бераркин?

Шу ўринда буюқларнинг бир гапи ёдга келади: “Яхшилик қилиш қўлингдан келмадими, ёмонлик ҳам қилма”.

Ҳа, бугун кун сайин янгиланиб бораётган янги Ўзбекистонда тинч-тотув яшаётганлигимизнинг ўзи бебаҳо неъмат эмасми? Бу ерда бўлаётган бунёдкорликларга, ислохотларга фақат ва фақат камарбаста бўлиш, қўлни-қўлга бериб ўз ҳиссамизни қўшиб яшаш ярашади. Шундагина биз фақат яхшилик қилиб яшаётганлигимизни дилдан ҳис қиламиз.

Қинғир ишларга қўл уриб Ватан олдидаги бурчимизни унутиш, миллат шаънига доғ тушириш, ўзгалар ҳаётига хавф солиш Яратганнинг олдида ҳам кечириб бўлмас гуноҳдир.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири